

Ўзбекистон Республикаси ҳалқ таълими вазирлиги
Абдулла Авлоний номидаги Ҳалқ таълими ходимларини қайта
тайёрлаш ва малакасини ошириш марказий институти

**Эшитишида муаммолари бўлган болаларни
оиласда мактаб таълимига тайёрлаш**

Ота – оналар учун методик тавсиянома

Тошкент – 2007

Муаллиф:

Д.А. Назарова

Тақризчилар:

- Л.Р. Мұмінова — п. ф. д., профессор
- У.Ю. Файзиева — п. ф. н., -А.Авлоний номидаги ХТХҚТМОМИ профессори
- Ф.У. Қодирова — п. ф. н., -А.Авлоний номидаги ХТХҚТМОМИ

Нашр учун масъул:

Ш. Шомансуров

Мұхаррир:

М. Ҳайдарова

Компьютерда
сақыфалаш ва дизайн:

М. Раҳмонов

А.Авлоний номидаги ХТХҚТМОМИ илмий кенгаши нашрга тавсия эттан (2006 йил ноябрь).

А.Авлоний номидаги ХТХҚТМОМИ «Илғор педагогик технологиялар ва нашр ишлари бўлими» – дизайн, компьютерда сақыфалаш, 2007 й.

Нутқий мuloқот боланинг шахс сифатида ривожланишида ҳал қилувчи ўринни эгаллайди. Эшитишида муаммолари бўлган болаларда нутқининг ривожланиши учун ўта зарур бўлган анализатор – эшитиш фаолиятининг қисман, баъзан, тўлиқ бузилиши кузатилади. Ушбу муаммо баъзи ҳолатларда бола нутқининг мустақил равишда бироз шаклланишигагина имкон берса, баъзан умуман ривожлана олмаслигини келтириб чиқаради.

Қўлланмада эшитишида муаммолари бўлган болаларни мактаб таълимига нутқий жиҳатдан тайёрлаш тизими ёритиб берилган. Муаллиф бундай болаларни мактаб таълимига тайёрлашда оила тарбиясининг мұхим аҳамият касб этишини, уй шароитида фаолиятнинг турли кўринишларида улар сўзлашув нутқларини ривожлантириш учун энг қулай шароит яратилишига алоҳида ургу берган ҳолда болалар нутқий фаолияти ва тафаккурларини шакллантириш тизимини ёритиб беради.

Қўлланма таълим соҳасида фаолият кўрсатаётган мутахассислар, ота – оналар учун мўлжалланган.

Таҳририят.

Агар бир қүшнинг ёш боласин олиб,
Бўлур тарбият бирла йўлга солиб.
Онасин олиб асрағон бирла ром,
Қимлас киши саъй қилса мудом.
Керак тарбият ёшлиқдан демак,
Улуғ бўлса лозим келур ғам емак.
Эгур bemashaққат киши навдани,
Тўғунчи эгур куйдириб кавдани.

А.Авлоний

Ҳукуматимизнинг истиқлолнинг дастлабки кунлари – даноқ ўзимизга хос ва мос иқтисадиёт ҳамда ижтимоий тараққиёт моделини, яъни устувор йўналишларни аниқ белгилаб олиши тарихий қисқа давр ичидагарча соҳа – ларда юқори натижаларга эришишга олиб келди. БМТнинг болалар муоммолари билан шугулланувчи Халқаро ЮНИСЕФ ташкилоти ҳар йили ҳамдўстлик мамлакатлари бўйича ижтимоий мониторинг олиб боради. Ушбу ташкилотнинг 2005 йил бўйича мониторинг натижаларида Ўзбекистон инсон ҳаётини ҳимоялашда, айниқса, оналик ва болаликни, шунингдек, жамият фуқароларининг алоҳида ёрдамга муҳтож бўлган қатламини муҳофазалашда ўзига хос ютуқларга эришаётган давлатлардан бири эканлиги кўрсатилди. Чунки босиб ўтган ривожланиш йўлимизга назар ташласак, ҳар бир йилда ҳукуматимиз томонидан инсон манфаатларини кўзлаш ва ҳимоялаш баробарида жамиятимизнинг ажralmas қисми – алоҳида ёрдамга муҳтож бўлган қатламига жиҳдий эътибор қаратиб келинаётганини кузатамиз.

Дунёга келган ҳар бир гўдак яшаш, тарбия ва таълим олиш ҳуқуқига эгадир. Ушбу ҳуқуққа ҳам соғлом, ҳам ногирон болалар тоифасидан саналувчи эшитишида муаммолари бўлган болалар ҳам эгадирлар. Қайд этилган фикр қатори халқаро ва ҳукуматимиз томонидан қабул қилинган меъёрий ҳамда ҳуқуқий хужжатларда ўз ифодасини топган.

Ногиронликка бўлган замонавий ёндашувлар Республикамиз маҳсус таълим тизими ходимларини

алоҳида эътиборга муҳтож бўлган болаларнинг самарали таълим олиш муаммоларини илмий, методик жиҳатдан асослаб бериш масалаларига жиддий эътибор билан ёндошишга ундамоқда.

Бола шахсини ҳар томонлама камол топтириш ҳамда уни жамиятдаги ҳаётта тайёрлаш замонавий таълим муассасалари олдида турган асосий вазифадир. Сўзлашув нутқи ушбу вазифаларни ҳал эшитища марказий ўринни эгаллайди. Маълумки, тил воситаси ёрдамида инсон мулоқотта киришади, ушбу жараён давомида ахборот олади, фикр алмашади, билим, кўнкима ва малакаларни эгаллайди. Инсон ҳаётида ана шундай зарурий аҳамиятни касб этувчи тилни ўзлаштириш фақат нутқий мулоқот (коммуникация) шароитидагина амалга оширилади. Эшитишнинг инсон ҳаётида ўта муҳим аҳамият касб этиши унинг сўзлашув нутқини ривожлантириш омили эканлиги билан асосланади.

Нутқий мулоқот боланинг шахс сифатида ривожланишида ҳал қилувчи ўринни эгаллайди. Эшитишида муаммолари бўлган болаларда инсоннинг кишилик жамияти ҳаётига мустақил ҳолда уйғунашиб кетишининг омили ҳисобланган нутқнинг ривожланиши учун ўта зарур бўлган анализатор – эшитиш фаолиятининг қисман, баъзан, тўлиқ бузилиши юзага келган. Ушбу муаммо туфайли баъзи болаларда нутқ мустақил равища бироз шакланган бўлса, баъзиларида умуман ривожлана олмаганлигини кўрамиз. Бундай йўл билан нутқни эгаллашнинг ўта чегараланиши боланинг тушунча ва тасаввурлари – нутқнинг кейинги идроки ва тушунилишида ўзгача акс этади. Эшитишида муаммолари бўлган боланинг нутқи ривожлана олмасдан қолмай, балки бузилган ҳам бўлади. Масалан, лугат захирасининг камлиги билан бир қаторда сўзларнинг бошқа маъноларда қўлланиши, грамматик тузумнинг ривожлана олмаслиги билан бир қаторда жумлаларнинг мазмун ва маънолари нотўғри тушунилиши куза – тилади. Буларнинг барчаси билиш фаолиятига таъсир кўрсатади: таққослаш, таҳлил қилиш, умумлаштириш каби жараёнлар ушбу тоифа болаларида ўзига хос тарзда намоён бўлади. Яъни эшитишида муаммолари бўлган болалар нутқларининг ўзига хос ривожланиши атроф олам

ҳақидаги аниқ тушунчаларнинг мустақил равишда шакланишига тўсқинлик қиласди.

Нутқий мулоқот боланинг шахс сифатида ривожланнишида марказий ўринни эгаллагани сабабли ҳам эшитишида муаммолари бўлган болалар таълимтарбиясида нутқ биринчи ўринда туради. Мулоқот воситаси ва фикрлаш қуроли сифатида нутқни шакллантириш жараёнинга муҳим аҳамият бериб борилади.

Мактабгача ва илк мактаб ёшидаги эшитишида муаммолари бўлган болалар таълимини амалга оширишда оиласдаги тарбиянинг муҳим аҳамият касб этишини яна эътироф этган ҳолда бундай тоифа болаларни барча шароитлар мавжуд таълим муассасасига жойлаш билан кифояланиб бўлмаслигини таъкидлашимиз лозим. Эшитишида муаммоси бўлган фарзанди бор ҳар бир отаонага масъулиятли вазифа юкланди. Яъни, айнан отаонанинг ўз фарзанди камол топишидаги саъииҳаракатларига боғлиқ ҳолда унинг кейинги ҳаётига асос солинади. Отаоналар ёки бола тарбияси билан шугулланувчи оиласдиги барча аъзолари заиф эшитувчи бола уйда бўлган вақтида сурдопедагог ходимлар ишининг давомчилари саналиб, ушбу мутахассисларнинг раҳбарлиги остида фарзандларининг таълим ва тарбияси борасидаги келгуси барча ишлар учун замин ҳозирлайдилар. Боланинг сўзлашув нутқини ривожлантириш ҳамда мулоқот (коммуникатив) малакаларини шакллантириш бўйича ташкил этилувчи ишлар ташхис қўйилган ва овоз кучайтиргич асбоб(аппарат)и билан таъминланган илк кунлардан бошланиши самарали натижга беради. Баъзи ҳолларда ташхис қўйилган бўлсада, турли сабаблар туфайли овоз кучайтиргич асбоби билан таъминланниш имконияти чегаралангандай бўлса ҳам бола билан шугулланиши бошлаб юбориш тавсия этилади.

Уй шароити бола луғат бойлигининг кенгайиши, сўзлашув нутқи, талаффуз ҳамда эшитиш малакаларининг шаклланниши, билим ва тушунчаларнинг ривожланиши учун турли туман табиий ҳолатларни юзага келтиради.

Биз ҳар бир бола билан уй шароитида маҳсус равишда ташкил этилувчи мактабгача тарбия ёшидаги болаларнинг қизиқишиларига мос тарзда ўтказилиши

мумкин бўлган машғулотлар устида алоҳида тўхталишни жоиз, деб тоғдик. Баён этилиши назарда тутилаётган бундай машғулотлар боланинг мактаб ўқув – тарбия жараёнига муваффақиятли уйғунлашиб кетишига, ҳаётда ўз ўрнини тошишига самарали таъсир кўрсатади.

Қуидида уй шароитида болалар билан олиб борилиши мумкин бўлган режали иш тизимини ёритиб беришга ҳаракат қиласиз. Тавсия этилувчи ишлар тизимиға риоя қилган ҳолда оиласидаги таълим – тарбияни ташкил этиш фарзандларингизнинг нафақат мактаб таълимиға тайёргарлиги, балки ижтимоий ҳаётта эрта уйғунлашувини ҳам таъминлайди. Айтиб ўтиш жоиз – ки, уй шароитида олиб борилиши лозим бўлган барча тадбирлар соддалаштирилган ҳолда, боланинг ривожланиш хусусиятлари, шунингдек, катталарнинг имкониятларидан келиб чиқсан ҳолда ишлаб чиқилган бўлиб, баъзан боланинг эришган ютуқларига кўра уларни бироз соддалаштирган ёки мураккаблаштирган ҳолда ҳам қўллаш имконини беради.

Фарзанд – бу оила гултожи, Ватанимиз келажаги. Зоро, миллий педагогикамиз асосчиси Абдулла Авлоний айтганидек: "Тарбия бизлар учун ё ҳаёт – ё мамот, ё нажот – ё ҳалокат, ё саодат – ё фалокат масаласидур... Тарбияни кимлар қилур? Қайда қилинур? Деган савол келадур. Бу саволга, биринчи – уй тарбияси. Бу она вазифасидур. Иккинчи – мактаб ва мадраса тарбияси. Бу ота, муаллим, мударрис ва ҳукумат вазифасидур". Шу сабабли ҳам Республикамиз ҳукумати бу масалага жиiddий эътиборни қаратиб келмоқда. Фарзандларимизнинг маънавий ҳамда жисмоний жиҳатдан соғлом, бақувват, келажаги буюк Ўзбекистоннинг илфор фуқароси бўлиб этишишлари учун барча – муаллимлар ҳам, ота – оналар ҳам, маҳалла ҳам жиҳат бўлиб курашишлари керак.

1 – бўлим. Мактабгача ёшдаги эшитишида муаммолари бўлган болалар ривожланишида расм, қуриш – ясаш фаолиятининг тутган ўрни ва оила шариоитида ушбу борада олиб бориладиган ишлар

Болаларнинг қуриш – ясаш фаолиятлари деганда, биз уларнинг тури – туман ашёлар (қофоз, картон, ёроқ, пластилин, табиий ашёлар, махсус қуриш ўйинчоқлари ва "Лего") дан ҳар хил ўйин учун буюмларни яратишларини тушунсак, тасвирий фаолиятлари деганда, улар шахсининг ҳар томонлама ривожланиши, атроф – оламни фаол англашларини таъминлашга хизмат қилувчи бадиий фаолиятларни тушунамиз.

Бу фаолиятлар ўзида ҳам бадиий, ҳам техник қуриш – ясашни мужассамлагани сабабли эшитишида муаммолари бўлган болалар учун мураккаб жараён ҳисобланади.

Болалар қуриш – ясаш фаолиятларининг катта ёшдаги кишилар тасвирий санъат ҳамда техник – қуриш – ясаш фаолиятлари билан яқин, ўхшаш ҳамда умумий томонларини кузатамиз. Агар катта ёшдаги кишиларнинг расм ва қуриш – ясаш фаолиятлари ижтимоий ҳаётдаги бунёдкорлик, яратувчанликка хизмат қилса, болалардаги ушбу фаолият ўйнайдиган ўйинлари жараёнида зарур бўлган буюмларни яратиш, кўрганларини чиройли ҳолда акс эттиришга уринишларини назарда тутади. Яъни ҳар икки авлоднинг фаолиятлари ҳам яратувчанликка йўналтирилган. Лекин биз болаларнинг ушбу фаолият турлари катталарницидан фарқли равишда ижтимоий аҳамиятта эга эмаслиги, жамиятта моддий ва маънавий жиҳатдан ҳисса қўшмаслигини, яъни уларнинг фаолиятлари фақаттина ўзлари ва баъзан, тор доирани ташкил қилувчи болалар жамоасига хизмат қилишинигина кузатамиз. Лекин шунга қарамай, биз эшитишида муаммолари бўлган болаларнинг камол топишлари, ижтимоий ҳаётта эрта уйғунлашувларида айнан ушбу фаолият етакчи ўринлардан бирида туришини, ўзимизнинг бола билан олиб борадиган ишларимизда етакчи омил эканлигини англаб олишимиз лозим.

Таълим – тарбия тўғри ташкил этилганда гина, эшитишида муаммолари бўлган болалар расм чизиш,

қуриш – ясаш күникмаларини худди эши туувчи тенгдош – лари дек эгаллай оладилар.

Расм, қуриш – ясаш фаолияти ёрдамида болада эстетик түйфу, ижодий тасаввур, нарса ва буюмлар, табиат ҳодисаларини таққослаш, сенсор хусусиятлар түғрисида тушунчалар тарбияланади, сұзлашув нутқи үсади. Бу вазифалар үйинлар, қуриш – ясаш, расм, қирқиб ёпиш – тириш бүйича уюштирилувчи машғулотларни үтказиш жараёнида амалга оширилади.

Расм, қуриш – ясаш фаолиятiga қизиқиш, қалам, мүйіқалам, фломастер, лой, пластилин, қофоз ва ҳоказолар билан ишлеш күникмалари болаларнинг мустақил фаолиятта үта қизиқсан даврларидан, яъни З ёшларидан шакллантирилиши мақсадға мувофиқ саналади. Агар дастлаб болалар катталарға тақлидан, намунага күра ёрдамға таяниб мустақил расм, лой, қирқиб ёпишириш, қуриш – ясаш ишларини бажарышни ўрганиб боришлирага эътибор қаратылса, секин – аста ушбу жараён болаларнинг буюм ва нарсага қараб, тасаввур бүйича расм солишлари, турли содда ҳолатларни акс эттиришлари томонга силжиб борищга эришилади.

Расм, қуриш – ясаш жараёнида үйинлар ташкил этилганда боланинг тасвириланаёттан буюм ёки ҳодисага қизиқиши уйғониб, уларнинг сифат ва хусусиятларини табиий ҳолда ўрганилишига эришилади, шунингдек, жараёнда зарур бўлган иш усулларининг, қўлланиладиган асбоб ва ускуналар, сифат ва хусусиятлар (ранг, шакл, ҳажм), ҳаракат – ҳолатларга оид бўлган сўз ва жумла – ларнинг ўзлаштирилиши таъминланади.

Расм, қуриш – ясаш машғулотлари үйин, теварак – атроф билан танишириш, нутқ ўстириш, меҳнат, математик тасаввурларни шакллантириш бүйича олиб борилювчи жараён билан узвий ҳолда олиб борилганда гина эшишида муаммоси бўлган боланинг ҳар томонлама ривожланиши, дунёқарашининг кенгайиши таъминланади. Эшишида муаммолари бўлган болалар расм чизиш, ясаш – қуриш фаолиятлари билан машғул бўлишлари жараёнида нутқлари ривожланади, шу билан бирга атрофдагилар билан мулоқот ўрната олиш, муқимлилик,

мақсадға йұналтирилғанлық, тизимлилік, озодалик, мәжнатсеварлық каби шахсий сифатлари шакланады.

Әшитишида муаммоси бұлған боланинг расм чизиш, қуриш – ясаш фаолияти нүтқни шаклантириш жараёни билан борғылғы қолда олиб боришиши мақсадға мувофиқ бўлиб, болани ушбу фаолият жараёнида унга қаратада айтилған оғзаки нүтқни идрок қилиш имконини яратувчи нүтқий муҳиттага жалб қилиб бориши дастлабки машғулотларданоқ қўлланилиши лозим. Фаолият жараёнида сўзлашув мулоқотига эҳтиёжнинг юзага келиши болани нарса, буюм, ҳаракатлар номини эслаб қолишига, катталарага мурожаат қилишда сўзлашув нутқидан фойдаланишига ундаиди. Бунинг учун катталар ҳар бир қўлланилаётган буюм ва нарсанинг номини, бажарилған фаолиятни аник, содда сўз ҳамда жумлалар билан номлаб боришилари, шунингдек, боланинг ҳам уларга тақлид қилған қолда ҳатти – ҳаракатларга оид фаолиятни бажариши ва айтилғанларни такрорлаб боришига эришишлари лозим. Машғулотда қўлланилувчи сўз ва топшириқларга оид жумлалар аввалдан тайёрлаб қўйилған қофоз (табличка)ларда ўз аксини топиши мақсадға мувофиқ. Масалан: "Қалам", "Қаламни ол", "Тўғри ўтири", "Шарни чиз", "Расм чизамиз", "Мен шарнинг расмини чиздим", "Шар ясадим", "Уйча ясаймиз", "Мен машина ясадим" ва ҳ.к.

Болаларнинг тасвирий санъат, қуриш – ясашга бўлған қизиқишиларини шаклантириб бориши режали равища олиб боришиши муҳим ҳисобланади. Расм солиши, елимлаш, лойдан буюм ясаш, қуриш – ясаш машғулотларида дастлаб бола ўз фаолиятини катталаарнинг ёрдамида, кейинчалик уларга тақлид қилған қолда, сўнгра уларнинг кўрсатма (топшириқ)ларига кўра, предметларга қараб ва ниҳоят, мустақил равища бажаришига босқичма – босқич эришиб боришиши керак.

1.1. Фарзандингиз билан машғулотларни бошлишга киришишингиздан аввал қуйидагиларни эслатиш ва тавсия қилишни хоҳлар эдик

1. Мутахассис назорати остида фарзандингиз учун ривожлантириш (6 ой ёки 1 йилга) дастурини тузиб олинг.

2. Ҳар бир машғулотни аввалдан пухта ўйланган режага таянган ҳолда олиб боринг (яъни машғулотлар учун умумий дафтар тутиб, унга бажариладиган ҳар бир фаолиятни ёзиб боринг).

3. Ҳар бир фаолиятни аввал ўзингиз бажариб кўринг.

4. Машғулот учун керакли ашё ва қуролларни аввалдан ҳозирлаб қўйинг.

5. Машғулот давомида қўлланиувчи сўз ва жумлаларни карточкаларга аввалдан ёзиб тайёрлаб қўйинг (расм варафи кенглиги 4–5 см. қилиб кесиб олинади ва ушбу бўлак(карточка)ларга ёзувлар босма ҳарфларда маркер (қалин фломастер) ёки фломастерда ёзилади).

6. Фарзандингизнинг ҳар бир бажарган ва эришган ютугини рағбатлантириб боришни унутманг. Чунки боланинг ҳар бир бажарган ишига катталар томонидан "Тўғри", "Жуда яхши" баҳосининг бериб борилиши учун мушкул санаалган фаолиятни ниҳоясига етказиш иштиёқини уйротади.

7. Фарзандингиз ривожланишида бироз муаммолари бўлганлиги сабабли дастлабки пайтларда қийинчилик сезишингиз мумкин. Лекин Сиз шуғуланишни давом эттиринг. Машғулотларга оғринмай, сабр билан ёндашсангиз, фарзандингиз ривожланишида ўзгаришлар юз бераёттанини кўрасиз! Ахир халқимиз: "Сабрнинг таги – олтин", – деб бекиз айтмаган. Қолаверса, кўпгина ота – оналарнинг ана шундай саъий – ҳаракатлари ижобий натижа бергани кўпчиликка мълум.

1.2. Ривожланишида муаммолари бўлган болалар билан оиласа олиб бориладиган машғулотларга қўйиладиган талаблар

Болалар томонидан мактабда ўқиши учун зарур бўлган билим ҳамда амалий қўнилмаларнинг ўзлаштирилиши асосан катталар томонидан ташкил этилувчи машғулотларда амалга оширилади.

Оила шароитида ташкил этилувчи турли – туман машғулотларда асосий эътибор эшитишида муаммоси бўлган боланинг нутқий, шунингдек, умумий ривожланишига қўйилган талабларнинг ечимига қаратилади.

Оила шароитида ташкил этилувчи машгулот – эшитишида муаммоси бўлган болани нафақат мактабга тайёрлаш воситаси, балки ижтимоий ҳаётга эрта уйгунлашувининг ҳам асосий омили саналади. Шу сабабли катталар томонидан ташкил этилувчи ҳар қандай машгулот олдига З та мақсад қўйилишини эсда тутмоқ муҳим саналади:

I. Таълимий мақсад болаларнинг билиш доираларини кенгайтириш ва амалий кўникмалар билан қуроллантиришни назарда тутади;

II. Тарбиявий мақсад болаларнинг шахсий ахлоқий сифатларини шакллантириш, ижтимоий ҳаётда ўз ўрнини топа олишларига имкон берувчи кўникма ва малакаларини шакллантириш ҳамда уларни миллий руҳда тарбиялашни назарда тутади;

III. Коррекцион – ривожлантирувчи мақсад эшитишида муаммоси бўлган боладаги иккиласмчи муаммолар – сўзлашув нутқлари ҳамда мантиқий тафаккурларини режали ривожлантиришни бартараф этишни назарда тутади.

Машгулотларнинг таълимий, тарбиявий ва коррекцион ривожлантирувчи вазифалари ўзаро боғлиқ ҳолда ҳал этиб борилиши лозим.

Уй шароитида олиб борилувчи машгулотларда иш жараёнининг тўрт кўринищдаги талабларга риоя қилинган ҳолда ташкил этилиши болаларнинг нутқий, шунингдек, умумий ривожланиш даражаларининг меъёрга яқинла – шувларини таъминлайди:

- I. Педагогик талаблар;
- II. Психологик талаблар;
- III. Гигиеник талаблар;
- IV. Ташкилий талаблар.

1.2.1. Машгулотларга қўйиладиган педагогик талаблар

Катталар томонидан уй шароитида олиб борилувчи машгулотлар эшитишида муаммолари бўлган болалар таълим – тарбиясининг ўзига хос бўлган тамойилларидан келиб чиқувчи педагогик талабларга жавоб бериши зарур. Ушбу талабларнинг асосийлари қўйидагилардан иборат:

- Машғулотнинг вазифалари ҳамда унинг босқичлари оиласи таълим дастури талабларидан, шунингдек, боланинг умумий ва нутқий ривожланиш даражасидан келиб чиқсан ҳолда белгиланиши;
- Эшитишида муаммоси бўлган боланинг билиш фаолиятини фаоллаштиришга йўналтирилган иш усулларидан моҳирона ва ўринли фойдаланишнинг олдиндан педагог билан ҳамкорликда лойиҳалаштириб қўйилиши;
- Машғулотга оид билим, кўнирма ва малакаларнинг бола сўзлашув нутқини мулоқот қуроли сифатида шакллантириш замираida эгалланиши;
- Алоҳида ёрдамга муҳтож болалар ривожланиш хусусиятларидан келиб чиқсан ҳолда кўрсатмалик, кўргазмалик, фаолиятнинг амалий жараёнига алоҳида эътибор қаратиш;
- Машғулоларда нутқнинг турли – туман шаклларидан фойдаланиш (бунда қайси нутқ шаклининг етакчи бўлиши босқич талабларидан, шунингдек, боланинг умумий ва нутқий ривожланишидан келиб чиқсан ҳолда белгиланади);
- Эшитиши қолдигини ривожлантириш, лабдан ўқиш малакасини шакллантириш ишларига алоҳида эътибор қаратиш;
- Алоҳида ёрдамга муҳтож болалар ривожланиш хусусиятларидан келиб чиқсан ҳолда ишга ажратилган вақт тақсимотига жиҳдий аҳамият қаратиш;
- Боланинг кўриш ўткирлиги пасайишининг олдини олиш мақсадида машғулот мобайнида қўлланувчи расм ва намуналарнинг ўлчами ҳамда ёрқинлигини мос равишда танлаш;
- Қизил, оч яшил, пушти ва шу каби ранглар боланинг тез толиқишини келтириб чиқариш билан бир қаторда кўриш ўткирлигининг пасайиши каби асоратларга олиб келишини инобатта олган ҳолда машғулотда қўлланувчи сўз ва иборалар кўк рангда, босма ҳарфларда берилиши лозим.

1.2.2. Машғулотта қўйиладиган психологияк талаблар

Эштишида муаммолари бўлган бола билан уй шароитида олиб борилувчи машғулотларнинг самара – дорлиги кўп жиҳатдан ота – онанинг ўз фарзанди ривожланиш хусусиятлари ҳақида маълумотга эга бўлишига боғлиқ бўлиб, катталар доимо ҳар бир машғулотни режалаштириш ва олиб боришларида ўз фарзандларининг идроки, диққати, хотираси, тасаввури каби хусусиятларини назардан четда қолдирмасликлари лозим. Ўз фарзанд – ларининг руҳий жараёнлари ҳақида аниқ маълумотта эга бўлиш катталарга ишни муваффақиятли амалга ошириш – ларига катта ёрдам кўрсатади.

Эштишида муаммолари бўлган боланинг кўникма ва малакаларни эгаллашида ўта қийинчиликларни бошдан кечириши сабабли катталардан унга нисбатан илиқ муносабатда ҳамда моҳирона қўллаб – қувватловда бўлиш – лари талаб этилади. Бу ўз навбатида боланинг машғулот – ларга нисбатан қизиқишини уйғотиш билан биргалиқда унинг ўз имкониятларига ишончини, яъни оптимистик руҳиятини ҳам юзага келтиради.

1.2.3. Машғулотта қўйиладиган гигиеник талаблар

Бола ишчанлик қобилиятининг ҳолати гигиеник талабларга қай даражада риоя қилинишига боғлиқ саналади. Яъни бола билан олиб борилувчи ҳар бир машғулотда қўйидаги гигиеник талабларга риоя қилиниши лозим :

- Машғулот учун ажратилган хонанинг меъёрдаги ёруғликка эга бўлиши;
- Машғулот олиб бориладиган хонани машғулотдан олдин шамоллатиб турилиши;
- Бола толиқишининг олдини олиш мақсадида фаолиятнинг турли – туман кўринишларидан фойдаланиш;
- Дам олиш дақиқаларини ўтказиб туриш;
- Машғулотларнинг асосан куннинг биринчи ярмида ўтказилиши ва аниқ чегараланган вақт мобайнида олиб борилиши тавсия этилади. Чунки баъзан катталар фарзандларининг машғулот материалини ажратилган вақт мобайнида эгаллай олмаслиги сабабли унга ажратилган вақт тугагандан сўнг ҳам бола билан шуғулланишга ҳаракат

қиласылар. Бу эса ўз навбатида, болаларнинг нафақат машғулот материалини, балки кейинги материални ҳам ўзлаштира олмасликларига ва худди шунингдек, машғу – лотларга нисбатан қизиқишининг сўнишига сабаб бўлиши мумкин.

1.2.4. Машғулотта қўйиладиган ташкилий талаблар

Олиб борилувчи машғулотларнинг самараадорлиги ўтказиладиган хонанинг ҳолати, унинг зарурий жиҳозлар (стол, стул ёки улар мавжуд бўлмаган ҳолларда ўзбек хонтахтаси ҳамда кўрпачалар билан ҳам жой ҳозирланиши мумкин), сурдопедагог маслаҳати ва тавсиясига кўра газета ва журнallардан танлаб тайёrlанган кўргазмали ва дидактик материалларнинг шайлигига ҳам боғлиқ ҳисоб –ланади. Бўлиб ўтадиган машғулотдан аввал боланинг индивидуал овоз кучайтиргич асбоби текшириб кўрилиши, носозликлар эса бартараф этиб қўйилиши лозим. Ушбу имкон мавжуд бўлмаган шароитда машғулот мобайнида эшлиши асбобининг ўрнини босиш мақсадида болаларга қарата сўзлаш, боладан ҳам машғулотни олиб борувчининг юзига қарата сўзлашиб тартибини ўрнатиши лозим. Аппаратуранинг мавжуд бўлмаслиги лабдан ўқиш талабига қатъий риоя қилинишини тақозо этади.

2 – бўлим. Заиф эшлитиувчи болалар билан олиб бориладиган расм машғулотларини ўтказиш бўйича тавсиялар

Иш аввал болаларни стол ёнида текис, букчаймаган, эгилмаган, гавдани текис туттан ҳолда ўтириш, қофозни бир қўл билан ушлаб туриб, иккинчи қўл билан расм солиш, қалам, фломастерни тўғри ушлаш кабиларга ўргатиб бориш билан бошланади. Тўғри, айлана чизиқлар чизиш кўникмаларини шакллантириш жараёнида боланинг диққатини қалам, фломастерни қаттиқ босмасдан, қофозни йиртмасдан, гижим қиммасдан ишлаш, улардан тўғри фойдаланишга қаратиш лозим. Болаларда ушбу малакалар шакллантирилгач, секин – аста расм чизиш фаолиятининг мураккаб турларига ўтиб борилади. Яъни даставвал эшлишида муаммолари бўлган болалар, ҳаттоқи, қаламни

тўгри ушлаш малакасига эши тувчи тенгдошларига нисбатан қийинчилик билан эришган бўлсалар, ота – оналари ёки яқинлари томонидан уй шароитида мунтазам олиб борилувчи машғулотлар натижасида эши тувчи тенгдошларига тенглашиб, баъзан ўзиб кетадилар. Айтиб ўтиш жоиз – ки, бундай жараён болаларнинг нафақат расм чизишга оид малакаларининг, балки нутқий малакалари – нинг шакллантирилишига ҳам асос солади. Расм чизиш, болалардан ўйин жараёнига нисбатан муқимлиликни талаб қилгани сабабли, эшитишида муаммоси бўлган бола билан машғулотлар олиб борища ишнинг ҳатто майдател – ларига ҳам эътибор қаратиб бориш лозим бўлади. Яъни болаларнинг ривожланиши учун фақат расм чизиш ёки уни бўяш эмас, балки ушбу амалларни бажариш жараёнида содир бўладиган ҳолатлар асосий ҳисобланади. Шу сабабли ҳам машғулотни олиб борувчи боланинг ривожланишини таъминловчи юзага келган ҳар бир табиий ҳолатдаги нутқий шароитни эътибордан четда қолдирмаслиги лозим. Яъни ушбу турдаги ҳар бир машғулотда тасвирий санъат ёки қуриш – ясашга оид малакалар билан биргаликда нутқий малакалар ҳам шакллантирилиб борилиши талаб қилинади.

2.1. 3 – 4 ёшли болалар билан олиб борилувчи расм машғулотлари

Ушбу даврда асосий эътибор боланинг намуна, ўйинчоқ ёки расмга қараб, сўз топшириғига кўра тақлид асосида, шунингдек, аста – секин мустақил бўяш, чизиш, шунингдек, ўтган машғулотлардаги содда расмларни ёдга олиш орқали катталарнинг кўмаги асосида чиза олиш малакасини шакллантиришга хизмат қилувчи машғулотларни ўтказишга қаратилиши лозим.

Машғулотларнинг тахминий мавзулари

1. Берилган расм (дастлаб катталар чизиб берган расмларнинг, секин – аста ўзи чизган расмлар)нинг ичини бўяш.
2. Шар.
3. Квадрат.

4. Тасмалар (узун, қисқа).
5. Уй.
6. Олма (думалоқ, узунчоқ).
7. Сабзи (қизил ва сариқ).
8. Кузги барглар.
9. Баланд ва паст уйлар.
10. Қушча.
11. Құғирчоқ.
12. Тұп.
13. Катта ва кичик құғирчоқлар.
14. Қишиш (қор ёғишини тасвирлаш).
15. Қорбола.
16. Катта ва кичик тұп (ёнма – ён).
17. Автобус.
18. З та квадрат (катта, кичик, энг кичик) ёнма – ён.
19. Дараҳт.
20. Нарса ва буюмларни 3–4 күн ўттандан кейин эслаш орқали чизиш.
21. Уй ёнида дараҳт.
22. Эркин мавзуда ижодий чизиш.
23. Бола билан бажарылған ишлардан күргазмалар тайёрлаш ва уларни яқынларига намойиш қилиш.

2.2. 5–6 ёшли болалар билан олиб борилувчи расм машғулотлари

Ушбу даврда ўтказиладиган машғулотларда асосий эътибор боланинг намунаға, ўйинчоқ ёки расмга қараб, сўз топшириғи асосида мустақил чизиш, шунингдек, ўтган машғулотлардаги расмларни ёдга олиш орқали мустақил чиза олиш ва бўяш малакасини такомиллаштиришга қаратилиши лозим.

Mashғulotlarning taxminiy mavzulari

1. Расм (ўзи чизган расмлар)нинг ичини бўяш
2. Сабзи
3. Олма барги билан
4. Нок
5. Пиёз
6. Шар (пуффак)

7. Айиқ
8. Кузги барглар
9. Юқ машинаси
10. Балиқ
11. Енгил машина
12. Бирғалиқда "Куз" расмини чизиш
13. Қищдаги уй, ёнида дараҳт билан
14. Самолёт
15. Құғырчоқ қиши кийимида
16. Қорбала
17. Бирғалиқда күргазма учун "Қиши" мавзусини тайёрлаш
18. Баҳорда гуллаган дараҳт
19. Онамга гулдаста
20. "Байрамга безатилған күча"
21. Ҳамкорликда "Қиши" ва "Баҳор" фаслини тасвирлаш
22. Она (машгулотни олиб борувчи катталар) билан ҳамкорликда эшиттан әртаклари асосида предметли, ҳолатли расмлар чизиш ва бүяш: "Бұғирсоқ", "Бұғирсоқнинг түнка устида үтиргани"; "Бұғирсоқ қуённи учратди"
23. Эркин мавзуда (ижодий) чизиш
24. Бола билан бажарған ишларидан күргазмалар тайёрлаш ва уларни яқынларига намойиш қилиш.

Машгулотлар мобайнида құлланыладыган намунавий луғат

Хозир машгулот үтамиз; қалам (расм дафтар, фло – мастер, пластилин) ни ол; уй (шар, олма ва ҳ.к.) чизамиз; уй (шар, олма ва ҳ.к.) чиз; баланд (паст) уй чиз; уй ёнида девори билан;нинг расмини чизамиз, катта, кичкина; құғырчоқ расмини чиз, тұп (шар, лента) расмини чиз, дараҳт расмини сол, юқ машинасини чиз, айиқ, құғырчоқ, олма, сабзи, самолёт (тайёра), қиши, қорбобо, баҳор, баҳордаги дараҳт, гулдаста, бұғирсоқ (түнка, қуён, айиқ) нинг расмини чиз;

Мен расм солдим; Мен айиқ расмини чиздим; Мен расмни бўядим; Биз нима қилдик? – Биз расм

чиздик. Биз машғулот ўтдик. Сен нима қилдинг ? – Мен расм чиздим (бўядим) ва ҳ.к.

Машғулотлардан намуналар Берилган расмни бўяш (тақлид асосида)

Мавзу: Шар.

Мақсад: Болани предмет ва буюм рангига мос рангни танлашга, қаламни ушлаш ва у билан бажариладиган ҳаракатларни бажаришга тайёрлаш, яъни қалам билан ишлаш кўникмаларини шакллантириш.

Машғулот учун керак бўлган ашё ва қуроллар: 2 та расм дафтари (бири бола учун ва яна бири машғулот олиб борувчи учун), 6 хил рангли қаламлар тўплами, расм дафтар 2 варагининг ҳар бирига 1 тадан чизилган шар (пufffak), сўз ва жумлалар ёзиб тайёрлаб қўйилган карточкалар.

Машғулотнинг бориши

1 – босқич. Машғулотни бошлашда болага: "Шарни бўяймиз" деб айтилади ва ушбу жумла ёзилган табличка кўрсатилиди.

2 – босқич. Болага: "Қаламни ол", – дейилгач, олиб борувчининг ўзи рангли қаламлардан биттасини олади ва болани рангли қаламлардан хоҳлаганини олишга ундайди.

3 – босқич. Олиб борувчи шарни бўяшни бошлайди ва болага: "Сен ҳам бўя " топширигини беради.

4 – босқич. Расмнинг бўялиши тугаллангач: "Биз нима қилдик?" саволи берилади ва кейинги табличка кўрсатилиб: "Шарни бўядик", – деб айтилади.

5 – босқич. Бола рагбатлантирилади: "Шарни чиройли ва озода бўядинг".

Бола қизиқишидан келиб чиққан ҳолда берилган машғулотнинг яна бошқа нарса, буюм (машина, кубик ва ҳ.к.)ларни бўяш орқали 3 – 4 марта такрорланиши бола кўникма ва малакаларининг мустаҳкамланишини таъминлайди.

Берилган нарсанинг расмини чизиш (тақлид асосида)

Мавзу: Шар.

Мақсад: Бола эга бўлган "шар", "ол", "чиз", "оч" сўзларини мустаҳкамлаш, қалам билан ишлаш кўник—маларини шакллантириш, катталар топшириги бўйича ва тақлид асосида расм чизишга ўргатиш.

Машғулот учун керак бўлган ашё ва қуроллар: 2 та расм дафтари (бири бола учун ва яна бири машғулот олиб борувчи учун), 2 та оддий қалам, сўз ва жумлалар ёзив тайёрлаб қўйилган карточкалар.

Машғулотнинг бориши

1—босқич. Олиб борувчи болага шар тасвиirlанган расмни кўрсатиб: "Бу нима?" деб сўрайди ва боладан жавоб олади. Агар бола жавоб бера олмаса, "шар" табличкаси кўрсатилиб, биргаликда айтилади.

2—босқич. Болага қарата: "Шар чизамиз" деб айтилади ва ушбу жумла ёзилган табличка кўрсатилади. Болага: "Расм дафтари ол", "Расм дафтари оч", "Қаламни ол" топшириклари (табличка кўрсатиш билан биргаликда) берилади. Олиб борувчининг ўзи топширикларни бажаради ва болани худди шу фаолиятни биргаликда бажаришга ундейди.

3—босқич. "Шар чизамиз", — деб айтилади (табличкани кўрсаттан ҳолда) ва олиб борувчи шар расмини чизишга киришади. Бола олиб борувчига тақлид қилган ҳолда шар расмини чизади.

4—босқич. Иш туталлангач, бола билан биргаликда табличкада ёзилган "Шар чиздик" жумласи айтилади.

5—босқич. Машғулот ниҳоясида чизилган шарлар таққосланади ва баҳо берилади: "Яхши".

Эслатма. Фаолиятни бажариш жараёнида боладан айтилганларни такрорлаб борилиши сўралади. Боланинг ҳар бир топшириқни айтиб бажаришига "тўғри" баҳосини бериб бориш унда мушкул саналган фаолиятни ниҳоясига етказиш иштиёқини уйғотади.

Ўзи чизган нарсани мустақил бўяш

Мавзу: Шар.

Мақсад: Бола эга бўлган "шар", "ол ", "чиз", "оч" сўзларини мустаҳкамлаш, нарса ва буюмнинг рангига мос рангни танлаш, қалам билан ишлаш кўникмаларини шакллантириш, катталар тошириғи бўйича мустақил равишда расмни бўяшга ўргатиш.

Машғулот учун керак бўлган ашё ва қуроллар: расм дафтари, олти хил рангли қаламлар тўплами, сўз ва жумлалар ёзиб тайёрлаб қўйилган карточкалар .

Машғулотнинг бориши

1 – босқич. Олиб борувчи болага ўзи аввалги машғулотда тасвирлаган шар расмини кўрсатиб: "Бу нима?" деб сўрайди ва боладан жавоб олади: "Шар" табличкаси кўрсатилиб, биргаликда айтилади .

2 – босқич. Болага қаратади: "Нима қиласми?" деб сўралади ва ушбу жумла ёзилган табличка кўрсатилади.

3 – босқич. Болага қаратади: "Шарни бўяймиз?", – деб айтилади ва ушбу жумла ёзилган табличка кўрсатилади.

4 – босқич. Болага: "Расм дафтари ол", "Расм дафтари оч", "Қаламни ол" тошириқлари (табличкани кўрсатган ҳолда) берилади ва боладан олти хил рангли қаламлардан хоҳлаганини олиш таклиф этилади: "Хоҳлаганингни ол".

5 – босқич. Боладан фаолиятни бажаришга киришиши талаб қилинади: "Шарни бўя".

6 – босқич. Бола мустақил равишда шар расмини бўяшни амалга оширади. Олиб борувчи унинг фаолиятни тўғри бажаришини назорат қилиб боради .

7 – босқич. Иш тутгаллангач, боладан: "Нима қилдинг?" саволига жавоб берилиши сўралади. Болага табличка кўрсатилиб, биргаликда: "Шарни бўядим" жумласи айтилади.

8 – босқич. Бўялган шарга баҳо берилади: "Яхши" .

Эслатма. Машғулот давомида боладан айтилганларни тақрорлаб бориши сўралади. Боланинг ҳар бир тошириқни оғзаки тақрорлаган ҳолда бажаришига "тўғри" баҳосининг бериб боришиши унинг мустақил

фаолиятида муҳим аҳамият касб этади ва унда бошлаган ишини ниҳоясига етказиш иштиёқини уйғотади.

Сайр давомида күрганларини эслаш асосида расм чизиш

Мавзу: Олма.

Мақсад: Болани күрган нарса, буюм ва ҳодисаларнинг номларини эсга олиш орқали мустаҳкамлаш, лугат бойлигини ошириш, дунёқарашини кенгайтириб бориш, нарса ва буюмнинг рангига мос рангни танлаш, қалам билан ишлаш кўникмаларини такомиллаштириш, катталар топшириғи бўйича биргалиқда, мустақил расм чизишга ўргатиш.

Машғулот учун керак бўлган ашё ва қуроллар: 2 та расм дафтари (бири бола учун ва яна бири машғулот олиб борувчи учун), 2 та оддий қалам, 6 хил рангли қаламлар тўплами, сўз ва жумлалар ёзид тайёрлаб қўйилган карточкалар.

Машғулотнинг бориши

1 – босқич. Олиб борувчи болага гул тасвирланган расмни кўрсатиб: "Бу нима?" деб боладан номини эслашни сўрайди ва жавоб олади. Агар бола жавоб бера олмаса, "олма" табличкаси кўрсатилиб, биргалиқда айтилади: "Бу олма".

2 – босқич. Болага қаратса: "Олма чизамиз" деб айтилади ва ушбу жумла ёзилган табличкани кўрсатади. Болага: "Расм дафтари ол", "Расм дафтари оч", "Қаламни ол" топшириқлари (табличкани кўрсатган ҳолда) берилади; олиб борувчининг ўзи топшириқларни бажаради ва болани худди шу фаолиятни берилган кетма – кетлиқда бажаришига эришади. Фаолиятни бажариш жараёнида боладан айтилганларни тақрорлаб бориши сўралади. Боланинг ҳар бир топшириқни айтиб бажаришига "тўғри" баҳосини бериб бориш лозим.

3 – босқич. Болага: "Олманинг шакли қандай?", "Нимага ўхшайди?", "Ранги қандай эди?" табличкалари кўрсатилиб сўралади ва эслашга ундалади. Боладан жавоб олинади. Дастлаб бундай машғулотларни олиб бориш жараёнида боланинг жавоб беришига ёрдам кўрсатилиши

керак. Яъни аввалдан тайёрлаб қўйилган табличкалар биргалиқда тақрорланади.

4 – босқич. Боладан: "Нима қиласиз?" деб сўралади ва ушбу жумла ёзилган табличка кўрсатилади. "Олма чизамиз" деб айтилади ва ушбу жумла ёзилган табличка кўрсатилади.

5 – босқич. Олиб борувчига тақлид қилган ҳолда олма расми чизилади.

6 – босқич. Боладан: "Нима қиласиз?" деб сўралади ва ушбу жумла ёзилган табличка кўрсатилади. "Олмани бўяймиз" деб айтилади ва ушбу жумла ёзилган табличка кўрсатилади.

7 – босқич. Боладан олмани кўрганлари асосида бўяш сўралади: "Олмани бўя".

8 – босқич. Иш ниҳоялангач, бола билан биргалиқда табличкада ёзилган "Олма чиздик ва бўядик" жумласи айтилади ҳамда чизилган расмга баҳо берилади: "Яхши" ("Чиройли", "Озода").

3 – бўлим. Заиф эшитувчи болалар билан олиб бориладиган қуриш–ясаш машғулотларини ўтказиш бўйича тавсиялар

Иш аввал болаларга стол ёнида текис, буқчаймаган, эгилмаган, гавдани текис тутган ҳолда ўтириш, қоғозни бир қўл билан ушлаб туриб, иккинчи қўл билан буқлаш, қоғозни бир қўл билан ушлаб турган ҳолда буқланган чизиқ бўйича йиртиш ёки қайчи билан кесиб олишга ўхшаш содда фаолият турларига ўргатиб боришдан бошланади. қоғозни текис ва мураккаб буқлаш кўнилмаларини шакллантириш жараёнида боланинг диққатини қоғозни йиртмай, фижим қилмай ишлаш, қайчи, елим каби ашё ва қуроллардан тўғри фойдаланишга қаратиш лозим. Болаларда ушбу малакалар шакллантирилгач, секин–аста қуриш–ясаш фаолиятининг мураккаб турларига ўтиб борилади. Яъни даставвал болалар қоғозни букиш, қайчи, елим билан ишлаш малакаларини қийинчлилик билан эгаллаб борсалар, машғулотларнинг мунтазам равищда олиб борилиши натижасида қуриш–ясашга оид мураккаб кўринишдаги

малакаларни эгаллаб боришлирига эришилади. Айтиб ўтиш жоиз – ки, қуриш – ясаш жараёнида болаларнинг худди расм фаолиятлари каби фақатгина фаолиятта оид малакалари эмас, балки нутқий малакаларининг шакл – лантирилиши ҳамда болаларнинг шахсий хислатларини таркиб топтириб боришга ҳам алоҳида эътибор қаратиб борилиши мақсадга мувофик. қуриш – ясаш фаолияти ҳам расм чизиши сингари болалардан муқимлиликни талаб қилгани сабабли эшитишида муаммоси бўлган бола билан ушбу тур машғулотларини олиб борища ишнинг майдада деталларига ҳам аҳамият қаратиб бориш лозим бўлади. Яъни болаларнинг ривожланиши учун фақат қуриш – ясаш ёки уни безаш жараёнининг айнан ўзи эмас, балки ушбу амалларни бажариш жараёнида содир бўладиган ҳолатларни юзага келтириш асосий ҳисобланади. Шу сабабли ҳам машғулотни олиб борувчи, ҳатто – ки, боланинг ривожланишига асос солувчи юзага келган ҳар бир табиий равищдаги нутқий шароитни ҳам эътибордан четда қолдирмаслиги керак. Яъни ўтказиладиган ҳар бир машғулотда ҳам қуриш – ясаш фаолиятига оид, ҳам нутққа оид малакалар шакллантириб борилиши талаб қилинади.

Болаларнинг қуриш – ясаш фаолиятлари деганда, биз уларнинг турли – туман ашёлар (қофоз, картон, ёғоч, маҳсус қуриш ўйинчоқлари ва "Лего") дан ҳар хил ўйин учун буюмларни яратишларини тушунамиз. Шу сабабли ҳам ушбу машғулотларни олиб боришининг дастлабки босқи – чида уларга баъзан ўйин учун зарурий нарса ва буюмларни тайёрлаш жараёни сифатида, баъзан ўйиннинг айнан ўзи экани сифатида муносабатда бўлиш боланинг дикқатини машғулотларга тез жалб қилиш учун қўлланилади.

Қуриш – ясаш фаолияти бўйича олиб борилувчи тизимли машғулотлар боланинг ҳар томонлама: атроф – оламни фаол англаши, кишилар билан нутқий мулоқотга кириша олиш малакаси, руҳий хусусиятларининг ривожланишини таъминлайди.

3.1. 3 – 4 ёшли болалар билан олиб борилувчи қуриш – ясаш машғулотлари

Ушбу даврда асосий эътибор олиб борувчи томонидан бажарилган фаолиятта тақлид асосида, олиб борувчи томонидан таклиф қилинган намуна, ўйинчоқ ёки расмга кўра, олиб борувчининг нутқий топшириғи асосида, шунингдек, секин – аста мустақил равишда қоғоз ва картон, пластилин, "Лего", кубиклар, баъзи табиий ашёлардан қуриш – ясашга оид содда амалларни бола томонидан эгаланишига қаратилади.

Машғулотлар мобайнида бола томонидан яратилган ишланмалар албатта ўйин жараёнига олиб кирилишига эришиш керак. Ишланмаларнинг айнан ўйин жараёнига олиб кирилиши боланинг кейинги машғулотга қизиқиши билан ёндашишига турткি бўлади. Шунингдек, боланинг нутқий жиҳатдан ривожланишига, атроф – олам ҳақидаги тушунчаларининг кенгайишига ҳам асос солиниши зарур ҳисобланади.

Машғулотларнинг тахминий мавзулари

1. Қоғоз билан ишлашнинг дастлабки кўникмаларини шакллантириш.
2. Қоғоздан стакан, содда кўринишдаги варрак ясаш.
3. Қоғоздан содда геометрик шакллар (шар, квадрат, учбурчак, тўртбурчак)ни қирқиб олиш (тақлид ва кўрсатма асосида).
4. Кубикларни ёнма – ён, устма – уст қўйиши.
5. "Лего" дан 2 – 3, 3 – 4 та бир хил рангли (ҳажмдаги) қисмларни топиш ва уларни бирлаштириш.
6. Пластилин билан ишлашнинг дастлабки кўникмаларини шакллантириш (олиб борувчининг кўрсатмаси асосида пластилинни юмшатиб, кафтлар орасида думалоқлаш, ҳар – хил шаклларни ясаш, керакли қисмларни бир – бирига маҳкам ёпиштириш).
7. Пластилинданд: шар, олма, тухум, ликопча, пиёла, қошиқ, стул, стол ясаш.
8. Табиий ва турли ашёлар (ёнгоқ пўстлоғи, дарахт барги, ёввойи ёнгоқ, гугурт қутиси, гугурт чўпи, ичимлик ва шарбатлар идишининг қопқоғи ва б.) ва

пластилиндан тошбақа, балиқча, жүжі, қайиқча, машина ясаш.

9. Тайёр кесилған уйча, шар, олма шакларини расм дафтариға ёпишириш.
10. Ижодий қуриш—ясаш ва яқынлари учун күргазма тайёрлаш.

3.2. 5 – 6 ёшли болалар билан олиб борилувчи қуриш—ясаш машғулотлары

Ушбу даврда ўтказиладиган машғулотларда асосий зътибор боланинг намунага, ўйинчоқ ёки расмга қараб, сўз топшириғи асосида, шунингдек, сайдар давомида кўрганларини ёдга олиш орқали мустақил қуриш—ясаш ва безаш малакаларини такомиллаштиришга қарати—лиши лозим. Машғулотлар мобайнида зътибор бола билан 3 – 4 ёшлигида қурган ва ясаган буюмларини ёдга олиш ва унга асосланган ҳолда мураккаброқ нарса ва буюмларни қуриш—ясашга қаратилиши лозим. Лекин энди боланинг қуриш—ясаш жараёни маҳсулига эмас, балки ясаган нарсаларидан ўйинларида кенгроқ фойдаланишига эришилиши лозим. Ишланмаларнинг айнан ўйин жараёнига кенгроқ олиб кирилиши боланинг кейинги машғулотта қизиқиш билан ёндашишига, ҳаёлотининг такомиллашишига, нутқи ривожланишига, атроф—олам ҳақидаги тушунчаларининг кенгайишига, шунингдек, шахс сифатида такомиллашиб боришига асос бўлади.

Машғулотларнинг тахминий мавзулари

1. Қоғоз билан ишлаш кўникмаларини такомиллаштириш (мураккаб букиш, бўлакларга ажратиши, чамалаш).
2. Қоғоздан стакан, қайиқча, дўппи, чўнтакча ясаш.
3. Қоғоздан геометрик шакларни қирқиб олиш, уларни бирлаштирган ҳолда янги шакларни ҳосил қилиши (сўз топшириғи асосида ва мустақил).
4. Кубиклардан мураккаб уй, девор қуриш (ёнма—ён, устма—уст қўйиш орқали).
5. "Лего"дан уй, девор, машина, уй жиҳозларини ясаш.

6. Пластилин билан ишлаш кўникмаларини такомил – лаштириш: катта ва кичик шар, олма, сабзи, мевали ваза, идиш – товоқлар, уй жиҳозларини ясаш.
7. Пластилинидан биргалиқда “Бўғирсоқ” эртаги қаҳрамонлари (бўғирсоқ, айик, қуён, бўри) ни ясаш.
8. Пластилинидан биргалиқда “Уч айик” эртаги бўйича катта ва кичик айиклар ясаш (ёдга олиш ва хотирада қайта тиклаш асосида; эртак эркин мавзуда танланиши ҳам мумкин).
9. Табиий ва турли ашёлар (ёнгоқ пўстлоғи, дарахт барги, ёввойи ёнгоқ, гугурт қутиси, гугурт чўпи, ичимлик ва шарбатлар идишининг қопқоғи ва б.) ҳамда пластилинидан тошбақа, балиқча, жўжа, қайиқча, машина, самолёт ясаш.
10. Рангли қофоздан уйча, шар, олма, гул, машина қисмларини қирқиб олиш ва уларни расм дафтарига ёпишириш.
11. Қофоздан арча безаклари ва ўйинчоқлари (фонусча, капалак, қорпарча)ни ясаш.
12. Ижодий қуриш – ясаш ва яқинлари учун кўргазма тайёрлаш.

Машгулотлардан намуналар

Қоғоз билан ишлашнинг дастлабки кўникмаларини шакллантириш (тақлид асосида)

Мақсад: Болада қоғоз билан ишлашнинг дастлабки кўникмалари: уни бир қўл билан ушлаб, иккинчи қўл билан букиш, текис из тушириш ва шу каби содда амалларни ҳосил қилишга эришиш.

Машгулот учун керак бўлган ашё ва қуроллар: 8 варақ қоғоз (расм дафтари ёки оддий дафтар вараги олиниши ҳам мумкин), “Қоғоз”, “Қоғозни ол”, “Букла” каби сўз ва топшириқлар ёзиб тайёрлаб қўйилган карточкалар.

Машгулотнинг бориши

1 – босқич. Машгулотни бошлашда болага қарата: “Нима қиласиз?” деб сўралади ва ушбу жумла ёзилган

табличка күрсатилади. Жавоб бола билан биргалиқда табличка күрсаттан ҳолда берилади: "Қоғозни буқлаймиз".

2 – босқыч. Болага: "Қоғозни ол" топшириғи берилади. Олиб борувчининг ўзи қоғоздан биттасини олади ва болани ҳам қоғозни олишга ундаиди.

3 – босқыч. Аввал олиб борувчининг ўзи қоғозни болага күрсатиб буқлайди ва болага: "Қоғозни буқла" топшириғини беради ва болага фаолиятни амалга оширишда күмаклашади.

4 – босқыч. Иш тугаллангач: "Биз нима қылдик?" саволи берилади ва биргалиқда кейинги табличка күрсатилиб: "Қоғозни буқладик", – деб айтилади.

Эслатма. Иш бола фаолиятни мустақил бажара олишга эришгунинг қадар 2 – 3 марта тақрорланади.

Қоғоздан тақлид асосида содда күринишдаги ўйинчоқ (буюм)лар ясаш

Мавзу: Варрак.

Мақсад: Бола эга бүлган қоғоз билан ишлаш күнікмаларини шакллантириш, "қоғоз", "ол", "буқла", "варрак" сүзлари ва катталар томонидан берилган топшириқларнинг маъносини тушунишини мустақамлаш, катталар топшириғи бўйича ва тақлид асосида буюм ва нарса ясашни ўргатиш.

Машғулот учун керак бўлган ашё ва қуроллар: 2 та расм дафтари (бири бола учун ва яна бири машғулот олиб борувчи учун), сўз ва жумлалар ёзиб тайёрлаб қўйилган карточкалар, болаларнинг варрак учираётгани тасвирланган расм (имкониятта кўра) ёки олдиндан ясаб қўйилган варрак, бир фалтак ип.

Машғулотнинг бориши

1 – босқыч. Олиб борувчи болага болаларнинг варрак учираётгани тасвирланган расмни ёки олдиндан ясаб қўйилган варракни күрсатиб: "Бу нима?" деб сўрайди ва боладан жавоб олади. Агар бола жавоб бера олмаса, "варрак" табличкаси күрсатилиб, биргалиқда айтилади.

2 – босқыч. Болага қарата: "Варрак ясаймиз", – деб айтилади ва ушбу жумла ёзилган табличка күрсатилади.

3 – босқыч. Болага: “Қоғозни ол” топшириғи (табличкани күрсаттан ҳолда) берилади. Олиб борувланинг ўзи топшириқни бажаради ва болани худди шу фаолиятни биргалиқда бажаришга ундаиди.

4 – босқыч. Қоғоз аввал бир ёнидан, сўнг иккинчи ёнидан З см қалинликда буқланади ва из туширилади. Бола олиб борувчи билан бир вақтнинг ўзида фаолиятни бажаради. Боладан айтилганларни тақрорлаб бориши сўралади ва унинг ҳар бир топшириқни айтиб бажаришига “Тўғри” баҳоси бериб борилади.

5 – босқыч. Варракларга ип уланади.

6 – босқыч. Бола билан биргалиқда табличкада ёзилган “Варрак ясадик” жумласи айтилади.

7 – босқыч. Ясалган варраклар таққосланади ва баҳо берилади: “Яхши”.

Варраклар кўчага учириш учун олиб чиқилади.

Кўрсатма бўйича пластилиндан ўйинчоқ (буюм) ясаш

Мавзу: Шар.

Мақсад: Болада пластилин билан ишланинг дастлабки кўнижмаларини автоматлаштириш (олиб борув – чининг кўрсатмаси асосида пластилинни юмшатиб, кафтлари орасида думалоқлаш, турли шаклларни ясаш, керакли қисмларни бир – бирига маҳкам ёпиштириш), бола эга бўлган “шар”, “ол”, “юмшат”, “думалоқла”, “яса”, “қўй”, “бўлакка ажрат” сўз ва ибораларини мустаҳкамлаш ва боланинг улардан нутқда фаол фойдаланишига, катталар топшириғи бўйича мустақил равишда ишлай олишига эришиш.

Машгулот учун керак бўлган ашё ва қуромлар: пластилин, пластилинни бўлакларга ажратиш учун пичноқча (музқаймоқ чўпидан ҳам фойдаланиш мумкин), стол устига тўшаш учун клеёнка (қалинроқ цеплофан қопчанинг ён томонидан кесиб ҳам фойдаланиш мумкин), иш тугагач қўлларни ювиш учун сув ҳамда артиш учун қоғоз салфетка ёки сочиқ, тайёр буюмни қўйиш учун қалинроқ қоғоз ёки картон, сўз ва жумлалар ёзиб тайёрлаб қўйилган карточкалар.

Машғулотнинг бориши

1 – босқич. Олиб борувчи болага аввалги машғулотда ўзи тасвирилаган шар расмини кўрсатиб: "Бу нима?" деб сўрайди ва боладан жавоб олади: "Шар" табличкаси кўрсатилиб, биргалиқда айтилади.

2 – босқич. Болага қарата: "Нима қиласиз?" – деб сўралади ва ушбу жумла ёзилган табличка кўрсатилади.

3 – босқич. Бола билан биргалиқда: "Шарни ясаймиз" деб айтилади ва ушбу жумла ёзилган табличка кўрсатилади.

4 – босқич. Болага: "Пластилинни ол" топшириги берилади (табличкани кўрсатган ҳолда) ва биргалиқда бажарилади.

5 – босқич. "Пластилинни бўл" топшириги берилади (табличкани кўрсатган ҳолда) ва биргалиқда бажарилади.

6 – босқич. "Пластилинни юмшат" топшириги (табличкани кўрсатган ҳолда) берилади ва биргалиқда бажарилади.

7 – босқич. Кейинги босқичда бола мустақил ҳолда тақлид асосида ясаган шарини яна бир бора ясаб кўриши таклиф этилади. Олиб борувчи боланинг фаолиятни тўғри бажаришини назорат қилиб боради.

8 – босқич. Сўнг боладан: "Нима қилдинг?" саволига жавоб бериши сўралади. Болага табличка кўрсатилиб, биргалиқда: "Шар ясадим" жумласи айтилади.

9 – босқич. Ясалган шарга баҳо берилади: "Яхши".

Эслатма. Ҳар бир фаолиятни шошилмай, босқичма – босқич олиб бориш ҳамда ҳар бир босқич жараёнида боланинг бажарилган иш ҳақида нутқий маълумот бериб боришига эришиш лозим. Боланинг ҳар бир топшириқни оғзаки тақрорлаган ҳолда бажаришига "Тўғри" баҳосини бериб бориш унинг мустақил фаолиятида муҳим аҳамият касб этишини ва унда бошлаган ишини ниҳоясига етказиш иштиёқини уйғотишини ёдда тутмоқ керак.

Табиий ашё ҳамда пластилиндан үйинчоқ (буюм) ясаш

Мавзу: Тошбақа.

Мақсад: Боланинг ясаш кўникмаларини такомил—лаштириш, катталар топшириғи бўйича ҳамкорликда ҳамда мустақил ясаш кўникмаларини шакллантириш, кўрса—тилган нарса ва бажарган фаолияти асосида луғат бой—лигини ошириш, билиш доирасини кенгайтириб бориш, пластилин ва табиий ашё билан ишлаш кўникмаларини ҳосил қилиш (олиб борувчининг кўрсатмаси асосида пластилинни юмшатиб, кафтлари орасида думалоқлаш, табиий ашёга пластилин бўлакларини маҳкам ёпиштириш (бириктириш), табиий ашёнинг рангиға мос ранг ва ҳажмдаги пластилинни танлаш малакаларини шакллантириш.

Машғулот учун керак бўлган ашё ва қуроллар: Бири бола ва яна бири машғулот олиб борувчи учун ёнғоқ пўстлоғининг икки палласи (олдиндан тозалаб қўйилган), дараҳт барглари, пластилин, пластилинни бўлакларга ажратиш учун пичноқча (музқаймоқ чўпидан ҳам фойдаланиш мумкин), стол устига тўшаш учун клеёнка (қалинроқ целлофан қопчанинг ён томонидан кесиб ҳам фойдаланиш мумкин), иш тугагач, қўлларни ювиш учун сув ҳамда артиш учун қофоз салфетка ёки сочиқ, тайёр буюмни қўйиш учун қалинроқ қофоз ёки картон, сўз ва жумлалар ёзиб тайёрлаб қўйилган карточкалар, тошбақа тасвирланган расм.

Машғулотнинг бориши

1 – босқич. Олиб борувчи болага тошбақа тасвирланган расмни кўрсаттан ҳолда: “Бу нима?” – деб боладан унинг номини эслашни сўрайди ва жавоб олади. Агар бола жавоб бера олмаса, “Тошбақа” табличкасини кўрсатиб, биргалиқда айтади.

2 – босқич. Болага қарат: “Тошбақа ясаймиз” деб айтади ва ушбу жумла ёзилган табличкани кўрсатади.

3 – босқич. Болага: “Пластилинни ол” топшириғи берилади (табличкани кўрсатган ҳолда) ва биргалиқда бажарилади.

4 – босқич. "Пластилинни бўл" топшириги берилади (табличкани кўрсатган ҳолда) ва биргалиқда бажарилади.

5 – босқич. "Пластилинни юмшат" топшириги берилади (табличкани кўрсатган ҳолда) ва биргалиқда бажарилади.

6 – босқич. "Ёнгоқни ол" топшириги берилади (табличкани кўрсатган ҳолда) ва биргалиқда бажарилади.

7 – босқич. "Ёнгоқ ичига пластилинни сол" топшириги берилади (табличкани кўрсатган ҳолда) ва биргалиқда бажарилади.

8 – босқич. "Текисла" топшириги берилади (табличкани кўрсатган ҳолда) ва биргалиқда бажарилади.

9 – босқич. "Бешта кичкина бўлак яса", "Пластилинни бўл" топшириги берилади (табличкани кўрсатган ҳолда) ва биргалиқда бажарилади.

10 – босқич. "Бош ва оёқларини ула" топшириқлари (табличкани кўрсатган ҳолда) берилади;

11 – босқич. Ясалган тошбақалар таққосланади.

12 – босқич. Иш ниҳоясида бола билан биргалиқда табличкада ёзилган "Тошбақа ясадик" жумласи айтилади ҳамда бажарилган ишга баҳо берилади: "Яхши" ("Чиройли", "Озода").

13 – босқич. Тошбақалар картонга тўшалган барглар устига қўйилади ва болага ўйнаш тавсия қилинади.

Эслатма. Ҳар бир фаолиятни шошилмай, босқичма – босқич олиб бориш ҳамда ушбу жараёнда боланинг бажарган иши ҳақида нутқий маълумот бериб боришига эришиш лозим. Боланинг ҳар бир топшириқни оғзаки такрорлаган ҳолда бажаришига "тўғри" баҳосини бериб бориш унинг мустақил фаолиятида муҳим аҳамият касб этади ва унда бошлаган ишини ниҳоясига етказиш иштиёқини уйғотади.

"Лего"дан ясаш

Мавзу: Уйча ва девор.

Мақсад: Боланинг катталар топшириги бўйича ҳам – корликда ҳамда мустақил ясаш кўнгилмаларини тако – миллиаштириш, кўрсатилган нарса ва бажарган фаолияти асосида луғат бойлигини ошириш, билиш доирасини кенгайтириб бориш, унда "Лего" билан ишлаш

кўнгималарини ҳосил қилиш (олиб борувчининг кўрсатмаси асосида бўлакларни маҳкам бириттириш), танлаган қисмининг рангига мос ранг ва ўлчамига мос бўлакни танлаш кўнгималарини ҳосил қилиш.

Машғулот учун керак бўлган ашё ва қуромар: "Лего" қуриш – ясаш ўйинчоқлари тўплами, сўз ва жумлалар ёзиб тайёрлаб қўйилган карточкалар, атрофи девор билан ўралган уйча тасвирланган расм (сада кўринишдаги бундай расмни олиб борувчининг ўзи ҳам аввалдан чизиб қўйиши мумкин).

Машғулотнинг бориши

1 – босқич. Олиб борувчи болага тайёрлаб қўйилган расмни кўрсатган ҳолда: "Бу нима?" – деб боладан номини эслашни сўрайди ва жавоб олади. Агар бола жавоб бера олмаса, "Уй ва девор" табличкасини кўрсатиб, биргаликда айтади.

2 – босқич. Сўнгра болага қарата: "Уй ва девор ясаймиз" деб айтади ва ушбу жумла ёзилган табличкани кўрсатади.

3 – босқич. Болага: "Қисмларни ол" топшириги берилади (табличкани кўрсатган ҳолда) ва биргаликда бажарилади.

4 – босқич. "Қисмларни йиф" топшириги берилади (табличкани кўрсатган ҳолда) ва биргаликда бажарилади.

5 – босқич. "Қисмларни бириттир" топшириги берилади (табличкани кўрсатган ҳолда) ва биргаликда бажарилади.

6 – босқич. "Қисмларни мустаҳкамла" топшириги берилади (табличкани кўрсатган ҳолда) ва биргаликда бажарилади.

7 – босқич. "Томини яса" топшириги берилади (табличкани кўрсатган ҳолда) ва биргаликда бажарилади.

8 – босқич. "Томини ўрнат" топшириги берилади (табличкани кўрсатган ҳолда) ва биргаликда бажарилади.

9 – босқич. "Девор яса" топшириги берилади (табличкани кўрсатган ҳолда) ва биргаликда бажарилади.

10 – босқич. Ясалган уйча ва деворлар таққосланади. Иш ниҳоясида бола билан биргаликда табличкада ёзилган

"Үйча ва девор ясадик" жумласи айтилади ҳамда ясалгандарга баҳо берилади : "Яхши" ("Чиройли").

Эслатма: а) олиб борувчи боланинг фаолиятни берилган кетма – кетлиқда бажаришига, фаолиятни бажариш жараёнида айтилгандарни такрорлаб боришига эришиши, боланинг ҳар бир тошириқни айтиб бажаришига "тўғри" баҳосини бериб бориши лозим;

б) кўникма ва малакаларни мустаҳкамлаш мақсадида ясалгандарни бўлакларга ажратиш ва яна бир неча бор қуриб кўриш тавсия қилинади.

Қоғоз ва елим билан ишлаш (аппликация)

Мавзу: Гул.

Мақсад: Боланинг қоғоз, қайчи ва елим билан ишлаш кўникмаларини такомиллаштириш, катталар топшириги бўйича ҳамкорликда ҳамда мустақил ясаш кўникмаларини шакллантириш, кўрсатилган нарса ва бажарган фаолияти асосида лугат бойлигини ошириш, билиш доирасини кенгайтириб бориши, намуна ёки илгари кўрганининг рангига мос рангни танлаш малакасини шакллантириш.

Машғулот учун керак бўлган ашё ва қуроллар: Расм дафтари, рангли қоғозлар тўплами, қайчи, елим, иш тутагач қўлларни артиш учун қоғоз салфетка ёки сочиқ, гул бўлакларининг андозаси, қалам, сўз ва жумлалар ёзиб тайёрлаб қўйилган карточкалар, гул тавирланган расм (гулнинг расми олиб борувчи томонидан чизиб қўйилиши мумкин) ёки гулнинг ўзи.

Машғулотнинг бориши

1 – босқич. Олиб борувчи болага гул тасвирланган расмни кўрсатиб: "Бу нима?" – деб боладан номини эслашни сўрайди ва жавоб олади. Агар бола жавоб бера олмаса , "гул" табличкасини кўрсатиб, биргалиқда айтади .

2 – босқич. Боланинг дикқати тайёрлаб қўйилган ашё ва қуролларга қаратилади: "Нима қиласиз?" – деб сўралади ва ушбу жумла ёзилган табличка кўрсатилади. Жавоб биргалиқда айтилади: "Гул ясаймиз".

3 – босқич. Болага: "Қизил (яшил, сариқ) рангли қоғозни ол" топшириги берилади (табличкани күрсаттан ҳолда) ва биргалиқда бажарилади.

4 – босқич. "Қоғозни бук" топшириги берилади (табличкани күрсаттан ҳолда) ва биргалиқда бажарилади.

5 – босқич. "Андоzanı ол" топшириги берилади (табличкани күрсаттан ҳолда) ва биргалиқда бажарилади.

6 – босқич. "Қалам билан чиз ол" топшириги берилади (табличкани күрсаттан ҳолда) ва биргалиқда бажарилади.

7 – босқич. "Қирқиб ол" каби фаолиятта оид топшириқлар (табличкани күрсаттан ҳолда) берилади.

8 – босқич. Кейинги босқичда расм дафтарини очиш ва вараққа қисмларни қўйиб чамалаб кўриш сўралади. Бошловчининг ўзи ушбу топшириқларни нутқий таъриф берган ҳолда бажаради ва боладан ҳам шундай қилиш лозимлигини талаб қиласди.

9 – босқич. Шундан сўнг гул дафтарга ёпиштирилади.

10 – босқич. Иш ниҳоясида бола билан биргалиқда табличкада ёзилган "Гул ясадик" жумласи айтилади ҳамда бажарилган ишланмалар таққосланиб, баҳо берилади: "Яхши" ("Чиройли", "Озода").

Эслатма: а) олиб борувчининг ҳар бир топшириқни ўзи ҳам бажариши ва боланинг худди шу фаолиятни берилган кетма – кетлиқда бажаришига эришиши, топшириқларни бажариш жараёнида боладан айтилганларни такрорлаб бориши, боланинг ҳар бир топшириқни айтиб бажаришига "тўғри" баҳосини берилади;

б) кўнукма ва малакаларни мустаҳкамлаш мақсадида фаолиятни яна бир марта мустақил равишда такрорлаб кўриш тавсия қилинади.

А.Авлоний номидаги ХТХҚТМОМИ нусха құпайтириш бұлымида чоп этилди. Босишга рухсат этилди. 2.01.07 й.

Бичими: 30 x 42

Ҳажми: 2,25 б.т.

Адади: 50 нусха.